

Истихора намозининг қанчалик аҳамияти бор?



06:30 / 31.08.2018 4623

Ассалому алайкум! Устозлар, саволим истихора намозининг қанчалик тўғрилиги хақида. Менинг бир танишим уйланмоқчи. У уйланмоқчи бўлган қиз истихора намози ўқиган, яъни менинг танишимга турмушга чиқса яхшими йўқми иккиланиб истихора намозини ўқиган ва тушида қора товуқ ва қора футболка кўрибди. 10 мартадан ортиқ истихора ўқиган, лекин натижа ўзгармаган. Улар энди нима қилишсин?

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

Ваалайкум ассалом! Қалблари нимага таскин топса шуни қилишсин. Истихорадан кўзланган мақсад ҳам шу. Валлоҳу аълам!